

Тадбир сиёсий-ҳуқуқӣ билимларни яна бир бор синовдан ўтказиб олиш имкониятини берди. Шунингдек, кўрик-танлов миллий кадрият, аъёна ва урф-одатларимизнинг ўзига хос жиҳатларини намойён қилиш ва янада ривожлантиришга туртки бўлиши шубҳасиз.



Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини тарих, муштарак маданият ва қадриятлар боғлаб туради. Қардошлик ришталари, тили ва менталитети яқин бўлган бу икки халқнинг муносабатлари кўп асрлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва аъъанавий ишонч асосида шаклланиб келмоқда. Халқларимиз азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилади, тўй-ҳашамларда меҳмон бўлади.

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК
20 йил

4-бет

Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган танловда меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари атроф-муҳит, табиат, борлиқ, инсон портрети ва пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидаларни моҳирона тасвирлашган.

“Туркистон-пресс”

2-бет

димлари, ҳудудий партия ташкилотининг туман ва шаҳар Кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари, уларнинг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда ўзМТДПдан халқ депутатлари Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар иштирок этди.


2-бет

Ана шу даврда қабул қилинган Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Табий монополиялар тўғрисида"ги қонунлар давлат мулкнинг яққа ҳоқимлигига барҳам бериш, иқтисодийётни таркибий қайта қуриш, мулклий муносабатларни ислоҳ қилиш, мамла-

тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Табийи монополиялар тўғрисида"ги қонунлар давлат мулкнинг яқка ҳокимлигига барҳам бериш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, мулклий муносабатларни ислоҳ қилиш, мамла-

“Milliy tiklanish” gazetasiга обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислохотларнинг кейинги босқичида иқтисодиётни янада либераллаштириш, модернизация қилиш ва экспортни диверсификациялашга қаратилган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида",

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, бозор иқтисодиётининг устуни ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонуний ҳимоя қилиш ва кафолатли шарт-шароитлар яратишга устувор масала сифатида қараб келинмоқда.

"Валютани тартибга солиш тўғрисида", "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилганлиги бозор субъектларининг ҳуқуқий мақоми ва кафолатларини таъминлаш имкониятини яратди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, бозор иқтисодиётининг устуни ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонуний ҳимоя қилиш ва кафолатли шарт-шароитлар яратишга устувор масала сифатида қараб келинмоқда.

Бугунги кунда амалдаги қонунчиликда фуқаролар учун кичик тадбиркорлик, яъни тартибдаги тадбиркорлик ва юридик шахс ташкил этилган ҳолдаги тадбиркорлик билан шуғулланишларига кенг имконият яратилган.

Тадбиркорлик субъектларига солиқда тортишнинг умумий белгиланган ва соддалаштирилган тартибларидан бирини мустақил танлаш имконияти белгиланганини алоҳида эътироф этиш лозим. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот қиймати ўрта 20 йил мобайнида қарийб 3,5 бараварга ўсди. Иш ҳақи аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 бараварга, ўртача иш ҳақи эса 14 бараварга ўсди. Аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисоб-китобларга кўра 20 йил ичида 8,6 бараварга ўсди. Мазкур даромадларнинг 47 фоизи мутлақо янги мулк шакллари ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлардир. Энг асосийси, турли мулкчилик шаклларида тенг шароитлар яратилганлиги натижасида 1991 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бор-йўғи 2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу салмоқ 52,5 фоизга етди. Айниқса, меҳнат ресурсларининг 74 фоизи мазкур секторда фаолият юритаётганлиги фикримизга яққол далил бўла олади.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

лантириш Концепцияси" номли маърузасида таъкидлаганидек: "Шу билан бирга, ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантки ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлиги баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, тақомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда".

Дарҳақиқат, бугунги давр биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахл-сизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиганишончи кафолатлар тизимини яратиш зарурияти мавжудлигини билдирмоқда. Конституциямизда белгиланганидек давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоясини ҳисобланади. Тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция

қиритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозимлигини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида бозор иқтисодиётининг мустақиллигини таъминлаш зарурияти мавжудлигини билдирмоқда.

Иккинчидан, бошқарув тизимини тақомиллаштириш, ортқича бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги

Юртбошимиз томонидан Концепцияда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар ЎЗМТДП фракцияси аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Қонуни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тадбиркорлики янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган бўлиши ва турларини аниқ белгилаш, қонунда назарда тутилмаган ортқича рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилиши қонуни билан кескин таъкидлаш кўзда тутилиши белгиланганлиги билан таъкидланади.

Учинчидан, ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринга эга бўлишини таъминлаш, ривожланган индустриал давлатларда бўлгани каби улар улушини 70 – 80 фоизга етказишга хизмат қиларди қонунларни қабул қилиш жуда ҳам долзарб ҳисобланади. Шу боис "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни янги таҳририда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, улар фаолияти учун кўпроқ эркинликлар бериш, ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-

босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ўз аксини топиши зарур бўлади.

Тўртинчидан, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатларининг ўрни беҳад катта. Ана шу нуқтаи назардан амалдаги "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонун бугунги кунда замон талабларига жавоб бермай қолганини ўз ичига олади. "Рақобат тўғрисида"ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти етганини кўрсатмоқда. Ушбу қонунга монополистик фаолиятни нафақат товарлар, балки молия бозорларида ҳам тартибга солиш н назарда тутиш лозимлиги, шунингдек, биржа савдоларида монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўйиш ва бириктириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни киритиш таклиф этилмоқда.

Бешинчидан, бугунги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғи нодавлат сектор томонидан таъминланаётган шароитда 1991 йилда қабул қилинган "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун, гарчи ўтган давр мобайнида унга 80 дан ортиқ қонуности қўйиб, ўзгариштирилганига қарамайдан қайта кўриб чиқиш ва янги таҳрирда қабул қилишни тақозо этмоқда. Унда стратегик жиҳатдан муҳим тармоқ ва корхоналарда акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, "олтин" акцияларни давлат иштиёрида сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг энг муҳим ва етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш, нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш, инвесторларнинг барча тоифаларига хусусий-

лаштириш жараёнларида тенг шароит яратиши таъминлаш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда хусусийлаштириш битимларининг очик-ўшбоқ бериш мақсадида мамлакатимизда халқаро меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг рақобатдорлиги ва иқтисодий афзалликларига асосланган ҳолда мамлакатнинг ҳўжалик комплексини диверсификация қилишни давом эттириш, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини самарали қўллаб-қувватлаш, юртимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитини ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада тақомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби мақсад, вазифалар белгиланган бўлиб, партия фракцияси ана шу масалаларни қонунлар воситасида амалга ошириш тарафдоридир.

Эркин ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамда Молия вазирлиги ҳамкорлигида "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини янада ошириш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Ўқув-семинарда Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган сиёсий партиялар олдидаги вазифалар ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Тадбирда иштирокчилар бухгалтерия ҳисобини аниқ юритиш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва замонавий техник восита ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сар-

● **ЎҚУВ-СЕМИНАР**

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

УНДА ПАРТИЯ КАДРЛАРИ ФАОЛЛИГИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» деб номланган маърузаси асосида мамлакатда амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг замон талабларига мос муқобил йўллари ҳамда белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Мазкур ўқув-семинар ЎЗМТДП фаолияти ривожининг муҳим омили сифатида ушбу Концепциянинг амалиётда, яъни партиянинг мамлакатдаги барча ҳудудий ташкилотларида жорий этишнинг оптимал механизмларини тарғиб этишда янгича усул ва ёндашувларни жорий этиш, партия устави ва дастури талаблари асосида ташкилий-партиявий ва кадрлар сиёсатини янада тақомиллаштириш, улар малакасини оширишнинг замонавий усул ва воситаларини қўллаш, ёш кадрларни ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқув-семинарни ЎЗМТДП Қашқадарё вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ойниса Очилова очар экан, давлатимиз раҳбари Ислам

Каримовнинг парламент палаталари кўшма йиғилишидаги маърузаси жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ислоҳ этиш йўлида янги уфқларни очиб берганлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

– Тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгилловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олган Концепцияда илгари сурилган гоя ва мақсадларни амалга ошириш учун партияимизнинг ҳар бир аъзоси ва барча даражадаги депутатларимиз бирдек масъулдирлар. Зеро, бугунги ислохотлар сиёсий партиялар олдида ўз аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда муҳим ва кенг қамровли вазифаларни қўймоқда. Шу нуқтаи назардан ЎЗМТДПнинг дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил бажариб бориш ҳамда партия электорати манфаатларини ҳокимиятнинг вакиллик органларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш муҳим вазифамиздир.

Семинарда "Партия устави ва дастури талаблари асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкилий-партиявий ва кадрлар сиёсатини янада тақомиллаштириш масалалари", "Партия кадрлари малакасини оширишнинг замонавий усул ва воситаларини қўллашнинг аҳамияти", "ЎЗМТДП фаолиятини янада тақомиллаштиришда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлар-

даги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги", "Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилидан бири сифатида", "Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Дастлаб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида ҳамда "ЎЗМТДП фаолиятини янада тақомиллаштиришда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги" мавзусида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси - Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, ЎЗМТДП фракцияси раҳбари Улугбек Муҳаммадиев маъруза қилди. Нотик давлатимиз раҳбари тақдим этган Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги" мавзусида кадрлар салоҳиятини юксалтириш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги ўрни ва ролига ҳам кенг тўхтади.

Ўқув-семинар якунида тингланган маърузалар юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шунингдек, партия кадрларининг ҳуқуқий, сиёсий, маънавий-мафкуравий жиҳатдан етуқлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва бундан кейинги фаолият доирасида олинган билим ва қўникмалар амалиётга татбиқ этилиши таъкидланди.

Қамолддин САЙДУЛОВ, "Миллий тикланиш" мухбири

ланиш" ва "Бюджет интизомига риоя қилинишини назорат қилиш" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши девони раҳбарлари ва бош ҳисобчилари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси масъуллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

фаолияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашиб боришида сиёсий партияларнинг етук кадрлар захирасига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, "Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари" ҳамда "Партия тизимида кадрлар билан ишлаш ҳамда уларни тайёрлаш" мавзусидаги маъруза тингловчилар ўртасида қизгин муҳокама қилинди.

Семинарда ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзоси Улугбек Жалмонов "Партия устави ва дастури талаблари асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкилий-партиявий ва кадрлар сиёсатини янада тақомиллаштириш масалалари" ҳамда ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Жуманазар Отажонов "Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилидан бири сифатида" мавзусида маъруза қилди. Нотиклар ўз сўзида ЎЗМТДПнинг олдида қўйган мақсадларни амалга оширишда ҳудудий партия ташкилотлари фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, партиянинг барча бўғинларида кадрлар салоҳиятини юксалтириш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги ўрни ва ролига ҳам кенг тўхтади.

Ўқув-семинар якунида тингланган маърузалар юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шунингдек, партия кадрларининг ҳуқуқий, сиёсий, маънавий-мафкуравий жиҳатдан етуқлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва бундан кейинги фаолият доирасида олинган билим ва қўникмалар амалиётга татбиқ этилиши таъкидланди.

Қамолддин САЙДУЛОВ, "Миллий тикланиш" мухбири



ҲУРМАТЛИ ПАРТИЯДОШЛАР!

2011 йилнинг

иккинчи ярим йиллиги учун обуна бўлишга шошилиш!

Нашр кўрсаткичи — 158

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● КЎРИК-ТАНЛОВ



МУСТАҚИЛЛИК — 20 ЙИЛ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг билимли, заковатли, етук, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етказиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Уларнинг замонавий билим олиши учун моддий, маънавий ва ҳуқуқий асослар ҳамда шарт-шароитлар яратилди. Натижада фарзандларимизнинг илми, дунёқарashi, тафаккури ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари тубдан ўзгарди.

Ёш авлодни миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонни, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашишни мақсад қилган ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотларида турли мусобақа, кўргазма ва кўриктанловлар ташкил этилмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон "Мил-

лий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Мустақиллик — 20 йил: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ёшлар нигоҳида" минтакавий интеллектуал кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилмоқда.

ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" қошида ташкил этилган "Ёш сиёсий

билимдонлар клуби" фаолиятини янада ривожлантириш, клуб фаолияти, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, шу орқали ёшларни клубга жалб этиб, уларнинг сиёсий етакчилиги ва ташаббускорлик маҳорати, ҳуқуқий билимларини бойитишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган мазкур танловнинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари босқичи ўтказилди. Унда ушбу вилоятлар Кенгашлари "Ёшлар қаноти"нинг "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаолларидан иборат "Насаф" ҳамда "Жануб ниҳоллари" жамоалари учта шарт бўйича ўзаро голиблик учун куч синашди. Тадбир низомига кўра жамоалар биринчи шартда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЎзМТДП Низоми ва Дастуридан фойдаланган ҳолда ўз сиёсий қарашларида айнан бир гоёни ифодали тарзда намойён этишди. Иккинчи шартда жамоаларга умумий тарзда 12 та сиёсий-ҳуқуқий ва интеллектуал савол берилди. Учинчи шартда ҳар бир жамоа миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизни ўзида акс эттирган бадиий чиқишларини намойиш қилди. Бунда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос бўлган аъёна ва урф - одатларини қай даражада кўрсата олишига эътибор қаратилди.

Танлов якунига кўра сурхондарёлик ёшлардан ташкил топган "Жануб ниҳоллари" жамоаси голиб деб топилди ва республика босқичида иштирок этishi имкониятини қўлга киритди.

— Тадбир сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни яна бир бор синовдан ўтказиб олиш имкониятини берди, — дейди ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли, "Жануб ниҳоллари" жамоаси аъзоси Ш.Суюнова. — Шунингдек, кўрик-танлов миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизнинг ўзига хос жиҳатларини намойён қилиш ва янада ривожлантиришга туртки бўлиши шубҳасиз.

Тадбир сўнггида жамоаларга ЎзМТДП Марказий Кенгашининг, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

● ДАВРА СУҲБАТИ

СОҲА РИВОЖ ТОПМОҚДА

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёс эканлиги барчамизга маълум. Зотан, кейинги йилларда мазкур соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ўз ижобий самарасини бермоқда.

Юртимизда ушбу соҳанинг изчил ривожланиб бориши қатор янги корхона, микрофирма, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил топишига хизмат қилмоқда. Қувонарлиси шуки, булар натижада халқимизга сифатли маҳсулот, арзон хомашё етказиб беришга эришилаётган бўлини, бунинг баробарида бир қанча янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ортбошимиз томонидан 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб элон қилиниши эса мазкур соҳа ривожини учун муҳим омил бўлди. Зотан, мазкур йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳа ривожини учун кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиб, янги қонун ҳужжатларини қабул қилишга катта аҳамият қаратилади.

ЎзМТДП Наманган вилояти ва туман Кенгаши томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»га бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди. Унда партиянинг туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, Тадбиркорлик палатаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўли-

ми вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур соҳада яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган тадбиркорлар бугун саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотик соҳаларида ижобий натижаларга эришиб келмоқдалар.

Сир эмаски, бугунгача ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка доир бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди ва уларнинг ҳуқуқий асоси қафолатланди. Хусусан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари тадбиркорлар ва кичик бизнес эгаларининг эркин фаолият олиб боришлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим асос бўлмоқда.

Шунингдек, йилгилишда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида ҳам сўз юритилиб, уларни янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Баҳодир МҲМИНОВ,
ЎзМТДП Наманган
вилояти Кенгаши Ижроия
кўмитаси матбуот котиби

ташқари бу ҳолатлар атрофдагиларга ҳам маълум маънода халал бериши турган гап. Бу ерда кимлардир дард чекиб ётибди, бировларнинг эса оғриқли азоблардан фиғони фалақда, ҳуллас, кимларгадир завқ бағишлаётган бу манзара баъзиларга салбий таъсир қилиши табиий.

Ортиқча дабдабаларга, сарф-харажатларга йўл қўймаслик борасида давлат мижёсида қатор ишлар қилинмоқда, қайта-қайта бонг урилмоқда. Таҳлил қилаётганимиз мазкур ҳолатлар эса кундан-кунга "сайқал топиб", тобора хашамдор тус олаётгани сир эмас. Орзу-хавасга қилинаётган, четдан қараганда шунчаки оддий бир ҳолат сифатида кўринадиган бу дабдабалар аслида маънавий қашшоқликдан дарак беради, десак адашмаймиз. Чунки кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган бу каби катта-кичик "урф"ларни миллиатимизнинг миллий тикланишида оёғига тушов бўлаётган иллатлардан дейиш мумкин. Бундай кўз илғамас иллатлардан воз кечмас эканмиз, маънавий юксалиш борасидаги хатти-ҳаракатларимиз самараси тўла-тўқис бўлолмай, оқсоқланаверади.

ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатларимиз муттасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда халқимизнинг миллий табиати ва тарбиясига тексари бўлган — манманлик, кимошарга тўй-маросимлар қилиш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйиш сингари иллатларга қарши кураш олиб боришда ўз фаолиятини янада кучайтириши лозим.

Янги туғилган фарзандининг қувончу бахтидан сармаст ота-оналардан эса лаҳзалик дамлар учун сарфланадиган харажатларни боласининг эртаси, келажагдаги қамолито юрт қорига ярайдиган етук инсон қилиб тарбиялашга сарф қилишларини сўраган бўлардик.

М.КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

● ХРОНИКА

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

ЎЗМТДП ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Жиззах вилояти ва туман Кенгашлари томонидан "БПТлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш" мавзусига бағишлаб тадбир ўтказилди. Унда партия аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ҳамда МФЙ фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Жиззах туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Урол Сатторов бугунги кунда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни тобора ортиб бораётгани, БПТ фаолияти ҳамда иш самарадорлигини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда Жиззах туманининг Туёқли қишлоғида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб тўхфа — 38-умумтаълим мактабида боғ барпо қилиш ташаббуси билан чиқди. Иштирокчилар бу амалий саъй-ҳаракатни партия вилояти Кенгашининг бошқа ҳудудий ташкилотларида ҳам кенг қанот ёзишига эришиш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури асосида туманда олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

НАМАНГАН

ЎзМТДП Наманган вилояти Кенгаши ҳамда "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигида "Миллий хунармандчилигимиз — миллий қадриятларимиз бардавомлиги қафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партиянинг Наманган вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари девони ходимлари, "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси аъзолари, "Қамолот" ЁИХ вилоят бўлими ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари бугунги кунда хунармандларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар хусусида тўхталиб, ажодларимиз мероси давомчилигининг фаолият қўламини кенгайтириш ва ривожлантиришга ёшларни жалб этиш ҳамда "устоз-шоғирд" аъёнасини янада тараққий эттириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Хунармандлар, қасаначилар, халқ усталари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди платформаси дастурий мақсадларидан бири ҳисобланади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Аҳмадмирза Ҳошимирзаев. — Шу боис, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ишларида партиянинг барча даражадаги депутатлари ва фаоллари ташаббус кўрсатишлари лозим.

Давра суҳбатига соҳани вилоятнинг олис қишлоқларида ҳам кенг ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

ХОРАЗМ

Халқимиз маънавияти ажодларимиздан мерс — миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизда яққол намойён бўлади. Бу борада мустақиллик йилларида тикланган, маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб улгурган қадриятлардан бири ҳаширдир.

ЎзМТДП Хоразм вилояти Кенгаши томонидан Урганч шаҳридаги Ал-Беруний номидаги боғ-музейида "Ҳашар миллий қадриятларимизнинг энг саховатлисидир" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда вилоят Кенгаши ходимлари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этди.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад боғ мажмуасини янада ободонлаштириш, ёшларимиз қалбида миллий қадрият ва аъёналаримизга бўлган ҳурмат тўғрисида шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Тадбир доирасида партия аъзолари боғ-музейининг йўлак ва ариқ-зовурларини тозалаш, 150 туп меваги дарахт, 200 туп атиргул кўчати ўтказдилар.

ФАРҒОНА

Ёшларни ажодларимиз мероси, миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ташкилотларида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Фарғона вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан Фарғона тумани Чимён қишлоқ фуқаролар йиғинида "Озод юртининг обод гўшаси" шиори остида ҳашар ташкил этилди. Ҳашарда "Хувайдо" мақбараси ва унинг атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Мазкур гўшадаги дарахтлар оҳакланиб, чиқиндилардан тозаланди ва мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб, ҳар бир фаол 20 тулдан кўчат экди.

Шу кунги ёшлар бутун умри давомида маънавий баркамолликни улуғлаган ва асарлари бугунги кунда ҳам бизни эзгу ва хайрли ишларга даъват этаётган Ҳожиназар Ғойибназар ўғли Хувайдонинг ҳаёти ва ижоди билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси миллий қадрият, аъёна, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга ҳаракат қилиши баробарида, миллий тараққиётимиз йўлига, маънавий юксалишимизга тўғаноқ бўлаётган айрим иллатларга қарши фаол кураш олиб боради. Газетамиз мухбири халқимизнинг миллий аъёна ва одатларига ёт бўлган, маънавияти кемтик баъзи одамлар томонидан сунъий равишда одат тусига киритилаётган бир муаммога жамоатчилик эътиборини қаратмоқда.

Яқинда соғлигим тақозоси билан шаҳар туғруқоналаридан бирида ётиб даволанишидаги тўғри келди. Қасалхонада 5 кун мобайнида соғлигимни тиклаш билан бирга турли-туман манзараларга ҳам бевосита гувоҳ бўлдим — баъзилари қувонарли, баъзилари эса... беихтиёр аччиқланиб, ўйланиб қолсан киши.

Ўйлаб қарасак, туғруқоналар ҳам жуда улуғ маскан экан. Негаки, бу ерда ҳар кун янги-янги чақалоқлар дунё юзини кўради, зурриёдларимиз, келажагимиз пойдеворларининг илк жаранги бонг уради. Ҳозиргина дунёга келган гўдакнинг чинқирғидан бутун вужудингга энтиқиш пайдо бўлади. Бу туйғуланининг ҳиссидан кўнглинг тоғдек кўтарилиб, сармаст ҳолда турганингда туғруқона ҳовлисидан машиналарнинг "памп-пип"ларию карнай-сурнайларнинг жаранги ҳаёлигини ўғирлайди. Дераза ол-

● ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

ЧАҚАЛОҚ УЧУН ЛИМУЗИН

ОРЗУ-ҲАВАСМИ ЁХУД МАЪНАВИЙ ҚАШШОКЛИК?

дига шошиб томошага шайланасан: қатор-қатор "иномарка" машиналар, бир нечта карнай-сурнайчию доиракаш акахонлар, видео ва фотокамерачи йиғитлар, қўлларида гулдасталар билан байрамона кийинган бир нечта "хонимлар" ва "жаноблар" ва ҳоказо ҳамма шай. Бу "томоша" боиси ойдек равшан: кимларгадир оталик ва оналик бахтини ҳаётида дунёга келган мурғаккина чақалоқни файзли хонадонга - ўз уйига олиб кетиш тараддуди. Янги меҳмоннинг ташрифидан, албатта, барча оқинлари шоду хуррам, бошлари осмонда — бахтдан сархуш. Хаманинг юзида табассум, нигоҳлар туғруқона эшигига қадалган — янги чақалоқнинг чиқишини интиқлик билан кутишмоқда. Мана, ниҳоят кутилган лаҳзалар келди — йўрғакланган ҳажжи кичкинтойни кўтарган ҳамшира ва бахтиёр она эшикдан чиқиб келмоқда. Гулдаста билан уларни қарши олган ота керилибгина ҳамширанинг қўлидан чақалоқни оли олади ва опага кўрмансини ҳам улашади. Бу ёқда эса бутун ҳовлини бошига кўтараётган карнай-сурнай ва доирачи акахонлар янада жонланиб қолишади. Сураткаш ва видеокамерачи ҳам шошиб, гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан ўтиб, бу завқли онларни тасмаларга муҳрлаш билан овора. Дарвоқе, бу томошада Микки Маус ва шерхонлар ҳам хизматда — қўлида шарлар билан бахтиёр оила даврасида туриб, фото ва видеотасмаларга безак бўлмоқда. Туғруқона биносидан бир неча бошлар ташқарига узалиб, бу манзарани энтиқиб томоша қилишяпти. Ниҳоят, вадавонлар

жаранги сусайиб, машиналарнинг кетма-кет сигналлари кучая бошлади. Ҳамма томоша тугаб янги чақалоғу ота-она, яна кимлардир ҳашам билан савлат тўкиб турган қоп-қора, узу-ун лимузинга ўтиришди. Қолганлар ҳам худди шунақа қоп-қора бир хил "Мерс"ларга ўтириб, ҳовлию кўчани бошига кўтарганча жўнаб кетишди. Шу пайт ёнимиздагилардан кимдир "энди томошанинг қолгани уйларида давом этади" деди.

Хайрият, тинчиди, десак йўқ, навбат кутиб турган кейинги "группа" машиналар олдингиларининг ўрнида — эшик рўпарисида саф тортишди. Яна бир бошқа чақалоқнинг чиқишига тараддулланмоқда. Бу каби манзаралар ҳар кун бир неча бор такрорланаверади. Чунки ҳар кун янги авлодлар дунёга келяпти-да.

Фарзанд кўриш бахти, албатта, қувончли воқеа. У нафақат оиланинг бахти, балки бутун юртинг келажаги, миллатнинг давомчиси ҳисобланади. Аммо бу қувончу бахтнинг ифодасини дабдабаю асъаса билан намойиш қилиш шартмикан? Биргина она-болани туғруқонадан чиқариб, уйига олиб боргунга қадар жуфт-жуфтлаб ижарачи машиналарни, карнай-сурнайчию қаммерачиларни, Миккиларни овоза қилиш, уларга фалон пул сарфлаш ортиқча дабдаба эмасми?! Бор-йўғи бир-икки киши эплайдиган ишга йиғирма кишини шайлантириш, жалб қилиш қайси одатимизга хос? Бир пайтлар янги чақалоқнинг сояси юққа бўлади, дея уни кўпчиликнинг нигоҳидан асрашган. Бугун-чи, бу-

гун дунёга келаётган фарзандларимиз ҳаёти туғруқона остонасидан бошлаб дабдабаларга кўмилиб бораёпти. Тўғри, орзу-хавас яхши нарса. Аммо бундай томошаларни кўриб хавас билан ҳою хаваснинг фарқи борлигига яна бир бор амин бўласан киши. Дунёга келган фарзанднинг келажақдаги бахту қамолитини ўйлаб, унинг маънавиятли, ақл-фаросатли, фозил, қомил инсон бўлишини орзулаб хавас қилишнинг йўли бошқа. Афсуски, "фалончи қилганда мени қурбим етмайди-ми", дея "отдан қолма, эшағим!" қабилида қамчи ураётганлар ҳам йўқ эмас. Ўзининг шахсий маънаси бўла туриб, фалон пулга лимузини бир нечта "Ауди", "Мерс"ларни қорлаштириш ўзини кўз-кўз қилишдан, қимлигини кўрсатишдан бошқа нарса эмас аслида.

— Бунақанги дабдабаларнинг умуман кераги йўқ, менимча, — дейди бўлмадошимиз Шахнозахон. — Иккинчи фарзандимизни кутяпмиз. Бизнинг дадамиз ҳам кўша-кўша машинаю карнай-сурнайлар қилишини бир гапирувдилар, рад қилдим. Тўғри-да, нима кераги бор бундай томошанинг? Муҳими, боламини соғ-саломат қўқилимга олиб, келажақда ўқимшли инсон қилиб тарбияласам, шу мен учун энг катта орзу-хавас.

— Ҳа, тўғри айтасиз, — дея унинг гапини маъқуллади бўлажак она Дилафрўзхон. — Бунақа орзу-хавасларнинг ҳам вақти, ўрни, жойи бор. Тўйларга ярашади-да бундай карнай-сурнайлар...

Дарҳақиқат, бу томошаларнинг кимга кераги бор? Ортиқча даҳмазаю дабдабазликдан

ҲУРМАТЛИ ПАРТИЯДОШЛАР!

2011 йилнинг

иккинчи ярим йиллиги учун обуна бўлишга шошилинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЎЗМТДП ДАСТУРИ АМАЛДА

● ФАХР

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Улуғ ва кутлуг Ватанимиз – Ўзбекистоннинг дунёдаги энг равнақ топган мамлакатлар сафидан муносиб жой олишига эришишимизда олға бошловчи кўнғирок бўлиб янграмоқда. Эртанги кунимиз ҳисобланган фарзандларимизнинг қомил инсонлар бўлиб улғайишларида барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Мустақиллик ана шундай куч-қувватга, ана шундай мўъжизаларга бой буюк маънавий жасорат мевасидир. Шўқрим, йигирма йилдан буён ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида, ҳар бир қиррасида ширинликда бекиёс бўлган бу оромжон мева роҳатини яққол кўриб келямиз. Унинг бебаҳо таъми қалбларимизни фахру ифтихор, гурур, жасорат, меҳр-оқибат, муҳаббат, яратмиш ва яхнатлиш туйғуларига миллим-тўлдириб, эркин ва фаровон яшашдек бахтни насиб этди.

Миллий мустақиллик буюк маънавий жасорат намунаси эканлиги ҳақида фикр юритар

Миллий мустақиллик буюк маънавий жасорат намунаси эканлиги ҳақида фикр юритар эканмиз, унга эришиш бевосита Исло Каримов номи билан боғлиқлиги ва йигирма йил ичида Юртбошимиз раҳбарлигида асрларга татигулик оламшумул ишлар амалга оширилганлиги, тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзишга арзигулик ютуқлар қўлга киритилганлигини фахру ифтихор туйғуларига чулганган ҳолда эътироф этмай бўлмайди.

БҮЮК МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

эканмиз, унга эришиш бевосита Исло Каримов номи билан боғлиқлиги ва йигирма йил ичида Юртбошимиз раҳбарлигида асрларга татигулик оламшумул ишлар амалга оширилганлиги, тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзишга арзигулик ютуқлар қўлга киритилганлигини фахру ифтихор туйғуларига чулганган ҳолда эътироф этмай бўлмайди.

ХХ асрнинг инсоният тарихида ёрқин из қолдирган воқеаларидан бири – дунё харитасидан янги давлат – Ўзбекистоннинг ўзига муносиб жой олиши бўлди. Унинг мустақил мамлакат сифатида тан олиниши, тенглар ичра тенг овозга эга бўлиши, халқаро доирада иззат-икром топиши – буларнинг ҳаммаси ўз-ўзича бўлгани йўқ, албатта. Халқимиз узоқ ва машаққатли йўл босиб, қирғинбарот урушларни, қатағону жабр-зулмларни, таъзиқлару бўҳтонларни бошидан кечирди. Лекин афсуски битта мақолада уларни бирма-бир санашнинг имкони йўқ.

Энг асосийларидан бири 1989 йил 21 октябрда Президентимиз раҳнамолигида давлат тили ҳақида қонун қабул қилинди. Унда “Ўзбекистоннинг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбек тили республиканинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида тўлиқ амал қилади”, деб белгилаб қўйилди.

1990 йил 19 февралда Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Фахр ва ифтихор билан гурурланиб айтиш керакки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва татбиқ этилиши республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳақда маънавий ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлиб, бу халқимизни бениҳоя қувонтириб юборди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши мустақиллик йўлидаги биринчи буюк маънавий жасорат намунасидир, десак халқимизнинг дилидагини ифода этган бўламиз.

Ишонч билан ташланган буда-дил қадам армони ушалган миллимиз қаддини юксакларга кўтариб, уни Юртбошимиз эзгу ўйларига камарбаста бўлишга ва улугвор ишларга бел боғлашга даъват этди. Бу жасорат тилимизнинг ҳар томонлама равақ топиши ва ўз қудратию имкони-ятларини тўла намоён этиш учун кенг йўл очиб берди. Бу эса буюк тарихимизни, бебаҳо мадания-

тимиз ва маънавиятимизни бутун борлиги билан чуқур ўрганишимизда бекиёс аҳамият касб этмоқда.

1990 йил 24 мартда ўтказилган Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 12-чакирик 1-сессиясида “Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида” қонун қабул қилиниб, Исло Каримов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланди. Собик иттифоқдош республикалар ичида Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг биринчи бўлиб таъсис этилиши мустақиллик учун яна бир муҳим залворли қадам бўлди. Ўша йилнинг 20 июнида Олий Кенгашнинг 12-чакирик II сессияси Ўзбекистоннинг суверенитети тўғрисидаги Мустақиллик Декларациясини қабул қилди. Эътибор беринг-а, СССР ҳали яшаб турган бир пайтда бундай ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳақиқий буюк жасорат эмасмиди?!

Президент Исло Каримов саъй-ҳаракатлари билан бундай жасоратли ишларнинг амалга оширилиши мустақиллик йўлидаги эзгу мақсадларимиз парво-

таъбир жоиз бўлса айтиш лозимки, азобли йўлини сабр ва бардош билан босиб ўтиш халқ ишонган ва суюнган раҳбар Исло Каримовнинг чекига тушди.

Президент Исло Каримов ўзига ва халқига ишонган ҳолда, давлат бошлиғига хос иқтидори, вазиятни чуқур идрок этиши, синчковлигию кескирлиги, раҳбарлик санъати каби хислатларини тўла намоён этиб, халқимизни интиқ ва интизор бўлиб қутилган энг олий неъмат – Мустақилликни кенг қучоқ очиб қўтиб олишга муяссар этди. Бу эса ўзбек халқини ўз йўлбошчиси раҳнамолигида мустақилликини мустаҳкамлаш, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга жипслаштириб, шу олийжаноб мақсадга эришишга илҳомлантирди. Бунинг учун тўб ислохотларни амалга ошириш ва миллий давлатчилик пойдеворини бунёд этиш бўйича ишлаб чиқилган стратегияга асосан энг аввало, тарихан жуда қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратилди ва қабул қилинди. Бу қомусий ҳужжатда биз оруз қилган давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши ҳамда инсон ҳуқуқларининг давлат маффаатларидан устуңлиги аниқ белгилаб қўйилди. Шу билан бирга бирон-бир мафкура-нинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ҳам Конституциямиздан мустаҳкам жой олди.

Мустақиллик туфайли жаҳон илм-фани ва маънавияти тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳауддин Нақшбанд, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларимиз номлари тикланиб, асарларидан баҳраманд бўлаётганлигимиз маънавий ютуқларимиз гарови эмасми?! Уларнинг илмий-адабий, фалсафий, диний-ахлоқий асарлари халқимизнинг ўзлигини англашида ва ўғил-қизларимизни қомил инсонлар қилиб тарбиялашда муносиб ҳисса бўлиб қўшилмаяптими?!

Мустақиллик Наврўз байрамини, Қурбон ва Рамазон хайитларини, диний маросим ва урф-одатларимизни ўзимизга қайтариб, кўксимизни тоғдек юксалтирмадимми?!

Чиндан ҳам мустақиллик орзу-умидларимизу эзгу ниятларимизнинг бош мақсади – овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш имкониятларини яратди. Фуқаролик жамияти ва инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида изчил олиб бораётган ислохотларимизнинг қаноти бўлмоқда.

Президент Исло Каримов таъбири билан айтганда: “Биз учун мустақиллик – энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлитимизни англаш, миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўтабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишта-

Биз мустақиллик осонликча қўлга киритилмаганлигини, истиқлол йўлида жуда кўп машаққатлар чекилганлигини ёш авлод онгую, шуурига сингдиришимиз, уларнинг она Ватанимизга бўлган муҳаббатю садоқатини оширишда катта роль ўйнашини унутмаслигимиз керак. Мустақиллик нийҳатда таҳликали ва ғоят мураккаб бир даврда жуда оғир йўлни босиб ўтганлигини катта авлод яхши билади.

Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма йиллик йўлига назар ташлар эканмиз, бозор иқтисодиётига асосланган очик фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда Исло Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётимизнинг машҳур беш тамойили – давлатнинг бош ислохотчилиги, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуңлиги ва ҳар қандай мафкурадан холилиги, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш барча соҳалардаги вазифаларимизни аниқ-равшан белгилаб берганлиги билан эътирофга сазовордир.

Бугун ўзгача бир гурур билан таъкидлаш ўринлики, мустақиллик миллий-маънавий қадриятларимиз илдизлари бениҳоя чуқурлигию бақувватлигини, ноёблигию бетакорлигини ҳайратли даражада намоён этганлиги билан ҳам ғоятда қадридир.

Айнан Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент ва Қарши сингари қадимий шаҳарларимиз ўзини қайта кашф этганлиги, улардаги шарқ меъморчилиги санъати дурдоналарининг асл қамғога келтирилиши, хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотуридидий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдуқолиқ Гиждувоний, Баҳауддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким ат-Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичонқалъа, Шаҳрисабздаги Доруттиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкғумбаз обидалари, Қармана шаҳридаги Қосим Шайх макбараси каби кўплаб муборақ қадимжоларнинг миллий ва замонавий анъаналар асосида ободонлаштирилиши, уларнинг дунёвий зиёратгоҳларга айлантирилиши қайси биримизни қувонтирмайди дейсиз?!

● ЁДНОМА

ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КҮЙЧИСИ

“...Одамлар унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқимайдиган, китобларини дўконлардан қидириб юрадиган бўлдилар...”

Буюк адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг бундай юксак баҳосига сазовор бўлган бахтли шоир Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф эди.



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ўзининг қисқа, аммо мазмунли ижодий фаолияти давомида мушоҳадага бой фалсафий қарашлари, халқчиллик руҳи йўғрилган, миллий истиқлол ғоялари, дадил ва жўшқин оҳангларда тараннум этилган шеърлари ва достонлари ҳамда қўшиқлари билан миллий адабиётимизда ўчмас из қолдириб кетди.

Ҳар йили 26 апрель куни Андижонда катта тadbир ўтказилган. Муҳаммад Юсуф таваллуд топган Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғи шоирнинг ақинлари, устозлари, дўсту биродарлари, шоғирдлари ва шеърят ихлосмандлари билан ғавжум бўлади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марҳамат туман кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими, Марҳамат туман ҳокимлиги ташаббуси билан Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишлаб ўтказилган тadbир унинг қабрини зиёрат қилиш билан бошланди. Қабр гулларга тўлиб кетди. У ерда шоирнинг ҳаёт ва иҳод йўлига назар ташланди. Шеърлари ёд ўқилди. Шундан сўнг шоир тўғилиб ўсган хонадонда тadbир давом эттирилди. Бу кутлуг хонадон шеърят муҳлислари ва шоирнинг ақинлари учун қадридир. Ғоят катта тарин, ҳокисор, самимий ва сода қалб эгаси Муҳаммад Юсуф қишлоғи, унинг меҳнаткаш, танги одамлари билан фахрланарди. Шу кунги тadbирга бутун қишлоқ, ёшу

кекса ташриф буюрди. Шоир ёдга олинди, шеърлари ўқилди. Унинг қўшиққа айланмаган шеърлари қолмади ҳисоб. Қайси бир шеърини олмайлик, она-Ватанини қўлаганигини, унинг бетакор табиатини моҳирона тасвирлаганлигининг гувоҳи бўламиз. Шеърларининг самимийлиги, ўқувчи руҳига яқин бўлгани учун китобхоннинг кўнгил мулкига айланди.

Шоир таваллудига бағишлаб ўтказилган тadbирга Намангандан, Фарғонадан кўплаб мухлислар ташриф буюрди.

Обиджон МАҲМУДОВ, ЎЗМТДП Марҳамат туман Кенгаши раиси:

Бир неча йил аввал Муҳаммад Юсуф номиди “Хотира боғи”га асос солиниб, турли мева-ли қўчатлар ўтказилган эди. Ана шу қўчатлар бу йил ҳосилга кирди. Шоир ўқиган 25-умумтаълим мактаби ўқувчилари боғни кенгайтиришга ҳисса қўшиб, яна қўчатлар гилос, олма қўчатлари ўтказдилар. Бундай хайрли тadbирларни ҳар йили ўтказиб боришни режалаштирганмиз.

Шунингдек, Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб белбоғли кураш ва кураш бўйича водий биринчилиги ҳам ташкил этилди. Унда юзлаб пловонлар 4 вазнда ўзаро беллашдилар. Фолибларга партияимизнинг ва белбоғли кураш бўйича Андижон вилоят кенгашининг фах-

рий ёрлиғи ва эсдалик совғаларини топширдик.

Отабек ЗИЯЕВ, ЎЗМТДП Андижон шаҳар Кенгаши Ихроия кўмитаси раиси:

Мен шоирнинг шеърларини ўқиб кўп нарсга ўргандим. Энг асосийси юртни, Ватанини севишни, ватанпарварликни ўргандим. Ҳамма ҳам мустақиллик, ҳурлик сўзларини Муҳаммад Юсуфдек таъсирли, эхтиросли айтолмаса керак. Ўзбекистонимизни, унинг одамларини қанчалик севишни, ардоқлашни Муҳаммад Юсуф ижоди мисолида партияимиз ёшларига ўргатаёلمиз. Бугунги тadbирга кўпроқ мактаб, коллеж ва академик лицей ўқувчиларининг жалб этилгани ҳам шундан. Ёшларимиз орасида ихидкорлар кўплаб топилади. Мақсад уларнинг ижодини рағбатлантириб бориш.

Эл суйган, ардоқлаган шоир Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишлаб гилос, олма қўчатлари ўтказилган тadbир марказидаги боғда, шоир таълим олган 25-умумтаълим мактабида, коллеж ва академик лицейларда, қўйинги вилоятнинг барча худудларида бўлиб ўтди. Зеро, Муҳаммад Юсуф ёзгандек:

Ўзи ўлас юлар, сўзи ўмайди, Ҳашиша барҳаёт насл шоирлар. Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди, Юракка қўмилар асл шоирлар.

Эркин ЎЙЛОШ, “Milliy tiklanish” мухбири

● АНЖУМАН

ПОЛВОНЛАР

МИЛЛАТ ҒУРУРИ ВА ФАХРИ



Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида “Polvonlar Milliy Ensklopediyasi” жамияти ташаббуси билан “Ўзбекистонда фахрий полвонларни ёъозлаш, эслаш ва улуглаш орқали ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, ўзига ишонч ва спортга бўлган муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тadbир бевоқифа Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, Республика болалар спортини

ривожлантириш жамғармаси, “Махалла” хайрия жамғармаси Республика Кенгаши, “Қамолот” ЁИХ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий Кенгаши, Шарқ-яққақурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Тadbирда сўз олганлар юрти-мизда яшаб ўтган, таникли пол-

вонларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, катта спорт ареналаридан кетгандан сўнг номи унутилаётган жаққураш вақиллари номини қайта тиклаш, ўсиб келаётган баркамол авлод қалбида Ватанга садоқат, аждодлар ютуқларидан фахрланиш, спортга муҳаббат туйғусини шакллантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Полвонлар эл-юртининг ғурури, ор-номуси ва фахридир, дейди “Polvonlar Milliy Ensklopediyasi” жамияти раҳбари Норқули Юсупов. — Шу боис ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш учун миллий қадриятларга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги маданий-тарихий анъаналарга асосланган тadbирларни мунтазам ташкиллаштириш, спорт машғулотларига кенг жалб этиш, миллий спорт турлари тарихига қизиқиш уйғотиш ва уларни омалаштириш бўйича юртимизда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республика умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида “Ёш полвонлар” тўғараклари ташкил этилди. “Махалла” хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда махаллаларда “Фахрий полвонлар” бурчаклари жорий этилмоқда.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари 2011 йил ёшлар ўртасида “Сиз полвонларингизни биласизми?” республика кўрик-танловига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш ҳамда фахрий полвонларни тақдирлаш Кенгаши фаолиятини янада ривожлантириш каби масалаларни атрофича муҳокама қилдилар.

Эргаш ХҲЖАЕВ, “Milliy tiklanish” мухбири

ЖАРАЁН

● **ТАЪЛИМ**

Пастдарғом шаҳридаги кўча-хоналарнинг юртидаги намуналик билим даргоҳларидан бири саналади. Тезкор замонавийнинг бугунги ёшлари маҳоратли касб эгаси бўлиш билан бирга миллий қадриятларимизга ҳар томонлама мос юксак ахлоқ ва одоб соҳиб бўлиши ҳам жуда зарур. Коллежда бўлганимизда ўқувчиларнинг ота-оналари таълим олиб, улар билан қизғин суҳбат ўтказилаётган экан. Суҳбат мавзуси бўйича ота-оналар ҳам, коллеж раҳбарияти ҳам жиддий қизиқиш, баҳс ва мунозара билан бир-бирларини тингладилар. Улар фарзандларимизнинг эртанги кунини ўқувчиларимиз томонидан қанчалик қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Коллежни ушбу ўқув йилида 265 нафар ўқувчи битириб чиқади. Ўқувчиларнинг ҳозирданок амалиёт ўташлари, келгусида улар етук ва тайёр мутахассис сифатида меҳнат фаолиятини бошлаши барчада қизиқиш уйғотди. Негакки, айни пайтда битирувчиларнинг ҳеч бири эътибордан четда эмас. Уларнинг 250 нафари билан иш бевурилар ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланган.

Ишлаб чиқаришга йўлланма олаётган бўлгуси мутахассис ўз касбининг моҳир эгаси бўлиши керак. Шу боисдан 7 та корхонада ўқувчиларимиз учун амалиёт хоналари ташкил этилди, - дейди коллеж директори Ўбайдулла Очилов. - Коллежда ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу сабаб коллежда ахборот-ресурс маркази ташкил этилиб, ўқувчиларнинг маънавий, ижтимоий, сўбсий билимларини оширишларига эришилмоқда.

Коллежининг талаба ва ўқитувчилар ўртасида бир қатор долзарб мавзулардаги гуруҳли ва оммавий тадбирлар ўтказиб келяпмиз, - дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилафруз Жаборова. - Дарҳақиқат, бу ерда талабалар дарслардан ташқари, ўз билимларини электрон дарсликлар орқали ҳам оширишмоқдалар.

● **ФЕСТИВАЛЬ**

МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Тошкент шаҳар Ўқувчилар ижодиёт марказида анъанавий "Ҳамалас-2011. Миллий анъаналар ва замонавийлик" болачалар ижодиёт фестивали бўлиб ўтди.

Унда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 985 нафар ўқувчи иштирок этди.

Марказнинг турли тўғаракларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар тасвирий санъат, графика, кулолчилик, бадий кашта, бисер тўқиш, ҳайкалтарошлик, дизайн каби ўн битта йўналишда ўз истеъдодини намойиш этди.

Бугунги кунда марказдаги халқ амалии ва тасвирий санъати бўлимида "Ёш расом", "Графика", "Ренассанс" тўғараклари, бадий нафосат бўлимида "Кўзумчоч", "Гунча" рақс, "Севиң" вокал, "Зарб" дои-

Бу эса коллежда ўтказилаётган ҳар бир илмий-амалий анжуман, очик дарс, тарбиявий соатларнинг кенг қўламда олиб борилаётганидан дарак беради.

Ахборот-ресурс маркази айни пайтда 300 минг фондга эга. Бадий-адабий китоблар, электрон дарслик ҳамда услубий қўлланмалар ўқувчиларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжини қондираётти. Корейда ишлаб чиқарилган иккита мультимедиа ва битта радиотехника келтириб ўрнатилди. Натижада, ўқувчиларнинг дарс ва тўғаракларда қувқор билим олиш имкониятлари кенгайди.

Коллежда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бир қатор эътиборга молик ишлар ташкил этилган. Энг аввало, коллеж ҳудуди мева ва манзарали дарахтлар, сабзавот экинлари билан ободонлаштирилди. Ўқувчилар учун тадбиркорлик соатлари ташкил этилиб, уларнинг бизнес лойиҳалари таҳлил этилмоқда. Пухта ишланган лойиҳалар тақдим этилиб, ёш тадбиркорларни шакллантириш имкониятлари вужудга келаяпти. Булар орасида миллий либослар, зардузлик, каштачилик сингари намуналарнинг борлиги эса янада қувонарлидир.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

рачилар, "Нафосат" дуторчилар дастаси, шу билан бирга турли чет тилларини ўргатувчи клублар эртаю кеч ўқувчилар хизматида. Шунингдек, марказ қошида ўғил-қизларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш мақсадида "Сардор", "Ташкилотчи", "Сардорлар мактаби" каби тўғараклар ҳам фаолият юритмоқда.

Тадбир доирасида уста хунармандлар, моҳир мусаввирлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар, жонли мулоқотлар ўқувчи-ёшларнинг билим ва касб кўникмалари янада юксалишида алоҳида аҳамият касб этди.

Азиза ҚИЁСОВА

● **МУТОЛАА**

"ҚАМИШГУЛ ОСТИДАГИ ТИЛЛАЛАР"

ҲАР БИР КИТОБХОННИ ОГОҲ ЭТАДИ


Инсон ўзининг ҳаёти давомида кўплаб синов ва тасодифларга дуч келади. Аммо уларни ақл билан идрок этиб, сабр билан енгиб ўтишга ҳамманинг қучи, матонати етмайди. Шу боис баъзан синовлар олдида эсанкираб қолганлар жиноятга қўл уриб, унинг берк кўчасига кириб қолганликларини билмай ҳам қоладилар. Аслида ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди.

Бу ҳақда жуда кўп гапирамыз, кўрамыз, эшитамиз. Афсуски доим ҳам тўғри хулоса чиқаравермаймиз. Тўқима детективлар, турли саргузаштлар ҳақидаги китоблар талайгина, бироқ ҳаётда содир бўлган, судларда кўрилиб, қонуний қуғча қирган ҳукмлар — жиноят ишлари ёритилган китоблар кам. Журналист Нилуфар Жумаеванинг "Қамишгул остидаги тиллалар" китоби ана шундай криминал воқеаларнинг бадийлаштирилган мажмуасидир.

Мазкур тўпламнинг ўзига хослиги шундаки, муаллиф фақат жиноятларнинг тафсилоти билан чекланиб қолмасдан, жиноятни келтириб чиқарган сабаблар ҳақида ҳам фикр-мулоҳаза юритишга ҳаракат қилган.

— Ушбу асар китобхоннинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади, - дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Зиёдулла Ўбайдуллаев. — Айниқса, у ёш келаятган авлод ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, улар билан ишлаш, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда керакли манба бўлади ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

— Мазкур тўплам Бош прокуратуранинг Судларда жиноят ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурорлари билан ҳамкорлик мақсули. 2006-2010 йиллар мобайнида ёзилган 200 дан ортиқ мақола орасидан 32 таси танлаб олинган, - дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи Гулноза Раҳимова. Унда жиноятларнинг турли хиллари, жумладан, одам савдоси, ўз жонига қасд қилишгача олиб бориш, қасддан одам ўлдириш, фирибгарлик, ўғрилик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқа жиноятлар киритилган бўлиб, китобхон бадийлаштирилиб ёзилган криминал воқеаларни осон тушунади ва бундай қилмишлар учун амалдаги қонунчилигимизда белгиланган жазо ҳақида муайян тушунчага эга бўлади.



Китобга тақриз ёзган "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов шундай фикр билдирди:

— Жиноятнинг тури кўп, жиноятчиларнинг тоифаси ҳам ҳар хил. Аммо содир этилган ҳар бир жиноят жамиятнинг оғрикли нуқтаси, муаммоси. Оғриқларга даво, муаммага ечим топиш, камчилиқни тузатиш, касб-коридан қатъи назар соғлом фикрли ҳар бир кишининг, бутун жамиятнинг вазифаси, бурчи. "Қамишгул остидаги тиллалар" китоби жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ишлардан биридир.

Ҳар бир инсон яшашга, бахтли бўлишга, ўзининг Конституцион ҳуқуқларидан фойдаланишга ҳақлидир. Бироқ, афсуски, етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслигимиз турли кўнгилсиз воқеаларнинг содир бўлиши ва осонгина алданиб қолишимизга сабаб бўлади. Шундай экан огоҳ бўлайлик.

Муаллиф содир этилган жиноий қилмиш жамиятга, айниқса, инсонга оғир жароҳат етатишини китобни ўқиган ҳар бир киши англаб етишига умид қилади.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

қишлоқ врачлик пунктига доимо ҳомийлик ёрдамини бераёпти.

Зилола АБДУЛЛАЕВА,
14-умумтаълим мактаби директори:

- Абдурахмон ака кўли очик, саҳий инсонлардан. Доммо бизга яқиндан кўмак бериб боради. Мактабимизни таъмирлашга, спорт залини жиҳозлашга, спорт анжомлари олиб беришга катта ҳисса қўшган. Мустақиллик, Наврўз каби байрамларни ўтказишимизда ҳам моддий ва маънавий ёрдамларини аямайди. Мактабимиз жамоаси ва ўқувчилари ундан миннатдор.

Ортимизнинг, бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишларни ҳаётга татбиқ этаётган, мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилаётган Абдурахмон Исаковдек фидойий инсонлар бугун Андижонда талайгина. Бугун биз сизларга улардан биттаси ҳақида ҳикоя қилдик, ҳолос. Ана шундай юртдошларимиз бор экан, Ўзбекистонимиз тараққиёт ва ривожланиш сари дадил одимлайверади.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мустақиллик шарофати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бунинг натижаси ўлароқ агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа даврда, яъни 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди ва ҳозирги кунда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаёпти.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъат қарори ва кўрсатмаларига мувофиқ туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар, банк ва бошқа мутасадди идораларнинг раҳбарлари ҳамда масъул шахслари тақлиф қилинган ҳолда тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда уларга тегишли ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар ойда камидан икки маротаба учрашувлар ўтказилмоқда.

Учрашувларда асосий эътибор кредит ажратилиши, рўйхатдан ўтказиш тартиби, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар каби масалаларга қаратилмоқда.

Сергели тумани прокуратураси томонидан 2011 йилнинг ўтган даврида 9 та тадбиркорлик

ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Қолаверса, жорий йили Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ва унинг асосида Давлат дастури қабул қилиниши улар учун қулай муҳит ва янги имкониятлар эшигини очди. Ва яна шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашуви тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш, мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтириш мақсадида 2011 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бора-бора қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ айрим ҳолатларни истисно қилганда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги белгиланди.

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаятган, шунингдек, ишлаб чиқариш сурьатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно) кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш мuddатлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган максимал мuddат, яъни 30 календар кундан ортиқ мuddатга ўзайтирилишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган бўлибди. Шунингдек, Фармонга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларни қўриш вазифалари юклатилди.

Сергели туман прокуратураси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кўлаб-қувватлаш, улар фаолиятига тўқинлик қилиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қаҳрамон ТҲИЧИЕВ,
Сергели туман прокурори

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРХ

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини тарих, муштарак маданият ва қадриятлар боғлаб туради. Қардошлиқ ришталари, тили ва менталитети яқин бўлган бу икки халқнинг муносабатлари қўп асрлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва анъанавий ишонч асосида шаклланиб келмоқда. Халқларимиз азалдан бир-бирининг маданиятини бой-тиб, савдо-сотик қилади, тўй-ҳашамларда меҳмон бўлади. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бир сўз билан айтганда, ибтидоси олис асрларга бориб тақалувчи ўзбек ва туркман халқларининг мустақкам алоқалари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор. Бундай муштарак манфаатдорлик олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам тус олишига асос бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, бу муносабатлар кўламини янада кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаши, минтақавий таҳдидларнинг олдини олиш масаласига ёндашувларнинг мослиги сиёсий соҳада мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирадиган муҳим жиҳатлардан. Халқро ташкилотлар доирасидаги ҳаракатлар ва ёндашувларни ўзаро мувофиқлаштириш, шунингдек, қўллаб халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар томонларнинг манфаатларига хизмат қилади ва икки томонлама муносабатларнинг ривожланишида муҳим омил саналади. Хусусан, Тошкент ва Ашхобод халқро терроризм, экстремизм, наркотрафик ва трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши кураш билан боғлиқ масалаларда уйғун ёндашувларга эгадир. Жаҳон миқёсидаги конструктив ва самарали шерикчиликка мамлакатларимизнинг халқро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Туркменистон Марказий Осиёда минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олиб, БМТ ва бошқа нуфузли халқро

ро ташкилотларнинг фаол иштирокида сув-энергетика муаммоларини халқро ҳуқуқ ва умуммеъёрларни ўз ичига олган принциплар асосида, минтақанинг барча мамлакатлари манфаатлари ва розилигини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш бўйича умумий ёндашувда содиқдир. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан сўнг дўстона ва самарали ҳамкорликнинг катта тажрибасига эришилдики, бунинг асоси кенг кўламли ҳамкорликнинг фаол йўналишларига мўлжалланган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 150 дан ортиқ халқро шартномалардан иборат салмоқли ҳуқуқий-шартномавий ҳужжатларидан ўз аксини топган.

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар борасида сўз кетганда, уларнинг жадал суратларда ривожланиётганини қайд этиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Туркменистонга кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш моллари, қишлоқ хўжалиги техникаси, металлдан тайёрланган ашёлар, маъдани уғитлар, асбоб-ускуна ва транспорт воситаларини экспорт қилади. Ўз навбатида Туркменистондан бизга нефть маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, хизмат қўратиш, ноорганик кимёвий воситалар келтирилади.

2009 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ташқи савдо айланмиси 2008 йилдагига нисбатан 39,2 фоизга ошди ва 185,7 миллион АҚШ долларини (2008 йилда - 132,3 миллион АҚШ долларини) ташкил қилди. Ўзаро товар айланмиси ҳажми 2010 йил якунлари бўйича қарийб 200 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Соҳа мутахассисларининг фикрича,

бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш учун имкониятлар етарли.

Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлараро комиссиясининг қизгин фаолияти икки томонлама савдо ва иқтисодий муносабатларнинг келгу-си ривожланиши жараёнида муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон ва Туркменистон табиий газ ишлаб чиқариш ва уни етказиб бериш бўйича илғор мамлакатлар қаторига кирди ва шу жиҳатдан, ҳар икки давлатнинг нефть ва газ соҳаларида жадал ривожланиш жараёнида икки томонлама савдо ва иқтисодий муносабатларнинг келгу-си ривожланиши жараёнида муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон ва Туркменистон табиий газ ишлаб чиқариш ва уни етказиб бериш бўйича илғор мамлакатлар қаторига кирди ва шу жиҳатдан, ҳар икки давлатнинг нефть ва газ соҳаларида жадал ривожланиш жараёнида икки томонлама савдо ва иқтисодий муносабатларнинг келгу-си ривожланиши жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Таъкидлаш керакки, эндиликда Ўзбекистоннинг "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонасига Туркменистон сармоysi ва ишбилармонларини жалб этиш имконияти пайдо бўлди. Мамлакатларимиз ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги ҳам устувор соҳалардан. Ўзбекистондан Туркменистонга пахта териш машиналари, тракторлар, прицеплар, минерал ўғитлар етказиб бериш ҳақидаги шартнома шартлари асосида икки томонлама савдо ва иқтисодий муносабатларнинг келгу-си ривожланиши жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорлик бора-сидаги яна бир муҳим йўналиш. Мамлакатларимиз мунтазам юк ташкилоти учун давлатлар учун транзит вази-

фасини ўтаётгани Ўзбекистон ва Туркменистоннинг катта транспорт салоҳиятидан далолатдир. Бу борада Ашхободда "Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар" янги халқро транспорт-коммуникация йўлагини ташкил этиш бўйича имзоланган битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида қайд этиш жоиз. Ушбу транспорт-коммуникация йўлагини ташкил этиш бўйича келишувга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилнинг октябрь ойида Туркменистонга расмий ташрифи чоғида эришилган эди.

Мазкур кўптомонлама лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши савдо-иқтисодий алоқаларини янада мустақкамлаш учун қўлай шароит яратди, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан Ўрта Осиё ва Форс кўрфазининг барча мамлакатлари фойда топади.

Дунёда энг сердармад соҳалардан бирига айланиб бораётган сайёҳлик ҳамкорлигини яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳлар алмасувини ривожлантиришга, халқ хўнарамдчилиги бўжумларини тайёрловчи усталарнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромадини ошириш, сайёҳлар жалб қилиш, қўша лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин ҳозирланади.

Маданий-гуманитар йўналишидаги алоқалар доимий ривожланишда. Бу борада Президент Ислам Каримовнинг 2010 йил октябрь ойида Туркменистонга расмий ташрифи чоғида имзоланган Маданий-гуманитар соҳада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастури муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур дастур доирасида ҳар икки мамлакатнинг маданият ва санъат арбоблари иштирокидаги концертлар, ижодий фестивал ва конференциялар мунтазам ўтказилаётди. Туркменистонлик санъат усталари "Шарқ тароналари" халқро мусиқа фестивалида ҳам мунтазам равишда қатнашиб келишмоқда. Хусусан, 2009 йилда бўлиб ўтган фестивалда туркменистонлик Л.Бегназаров ва Гран-при соҳиббаси бўлди. 2010 йил июнь ойида эса Ўзбекистонлик делегация "Аваз -

дўстлик ўлкаси" номли иқтидорли болалар халқро фестивалида иштирок этиб, совринли ўринни эгаллади.

Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлиқнинг ривожланишида Туркменистондаги ўзбек миллатига мансуб ва Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда иштирок қиладиган барча миллат ва элат вакиллари қаторида туркман миллатига мансуб аҳоли вакиллари ҳам улкан роль ўйнайди. Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда иштирок қиладиган барча миллат ва элат вакиллари қаторида туркман миллатига мансуб аҳолининг ўз миллий маданияти, тили, урф-одатларини сақлаб қолиши ва тараққий эттириши учун зарур шарт-шароитни таъминлаб бериш орқали уларнинг ҳар томонлама ижтимоий, маънавий ва маданий ривожланишларига катта эътибор қаратади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда еттига туркман миллий маркази мавжуд бўлиб, улар фаолияти 2001 йил 7 майда ташкил этилган Республика туркман маданияти маркази томонидан мувофиқлаштирилиб турилади. Туркманларнинг миллий маданияти, анъана ва урф-одатлари ҳамда тилини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, шунингдек, иккала халқ ўртасида ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорликни мустақкамлаш мазкур марказнинг асосий мақсадларидандир. Мустақилликка эришилган илк кунлардан бошлаб Ўзбекистонда иштирок қилувчи 120 нафардан зиёд туркман миллатига мансуб фуқаро ўзларининг фидокорона меҳнати ва мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси учун давлатимизнинг юксак мукофот ва унвонлари билан тақдирланди. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатлардан далолат бериб, дўстлик ришталари ҳамда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни янада мустақкамлашга хизмат қилади.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг жорий йил 5-6 май кунлари мамлакатимизга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизқитириган минтақавий ва халқро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашиш, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда. Бу эса икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш, ривожлантиришга муҳим асос бўлиши шубҳасиз.

Бехзод ИСКАНДАР

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Йирик лойиҳа

«Royal Dutch Shell» Англия-Голландия қўша компанияси Бразилиянинг «Cosan» компанияси билан ҳамкорликда био-ёқилги – этанол ишлаб чиқарувчи корхона очиб бўйича шартнома имзолаган.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 12 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилган. «Raizen» деб номланувчи ушбу янги савдо ташкилотида қирқ минг ишчи фаолият юритиши режалаштирилган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «Raizen» йилига 2,2 миллиард литр (580 миллион галлон) этанол ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Жаҳон бозорига биоёқилги етказишда пешқадам – Бразилиянинг «Cosan» савдо ташкилоти этанол ишлаб чиқаришда энг нуфузли компаниялардан биридир.



Орадан 48 йил ўтиб...

Янги Зеландияда торнадо содир бўлган.

Табиий офат мамлакатнинг энг йирик Окленд ва Олбани шаҳарларида кузатилган. Шамолнинг тезлиги секундига 55 метрга етган, оқибатда қўллаб-ўғирлар, автомобилларга зарар етган, ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар бор. Хабарларга кўра, мамлакатда энг катта торнадо 1948 йилда юз берган, ушундан 150дан зиёд уйлар вайрон бўлган.



Оқ "парда"

АҚШнинг Фазовий парвозлар маркази – НАСА мутахассислари Сатурн сайёраси йўлдоши – Титан атмосферасида булутга ўхшаш юпка оқ "парда"ни аниқлаган.

Унинг таркибида ҳаёт аломатлари бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Титан булут билан қоплангани сабабли уни ўрганиш анча мураккаб. Шунга қарамай, НАСAnинг «Кассини» сайёралараро автоматик станциясига урнатилган махсус аппарат ёрдамида Сатурн йўлдошининг стратосферасини кузатишга эришилган.



45 мамлакат ихтироси

Швейцариянинг Женева шаҳрида Халқро инновация лойиҳалари ва ихтиролар кўргазмаси якунланган.

Кўргазмада 45 мамлакатдан вакиллар ўз ихтиролари билан иштирок этган. Унда хориз компания ва фирмаларида ишлаб чиқарилган тиббиёт, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги, мебелсозлик, атроф-муҳит муҳофазаси, ва спорт соҳаларида қўлланиладиган қурилма ва буюмлар намойиш этилган. Кузатувчиларнинг фикрича, халқро кўргазмада айниқса, транспорт, электрон техника маҳсулотлари борасида қўллаб шартномалар имзоланган.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

КАУАИ ОРОЛИ

Гавай архипелагида жойлашган Кауаи ороли сайёрамизнинг энг нам ерларидан бири ҳисобланади. Оролда ёмғир тинмай ёғвергани боис, ёғингарчилик йилига ўртача 12 метрни ташкил этади. Шу боис оролнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам ўзгачадир. Масалан, бу ердаги дарахларнинг баландлиги атиги 20 см.га етди. Лекин, ер юзидаги энг катта чунерра ўтини айнан ана шу ерда учратиш мумкин. Ўт баргларининг узунлиги 2,4 метргача етди. Энг қизиги, оролда ҳайвонлар тугул қуш, ҳатто балиқлар ҳам яшамайди. Аммо, ажойиб ва бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган қурт-қумурсқаларнинг сон-саногини йўқ.

Айтишларича, Кауаи оролидаги ёғингарчиликка инсониятнинг дош бериши қўйин экан. Одам организмига қайта-қайта шамоллаш ва тумовлардан жиддий шикаст етиши мумкин. Бу ерда бирон иншоот қуриш-нику ҳаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Чунки, 1950 йили оролда йўл қуриш мақсадида бир неча қурилмалар келтирилганида ёғингарчилик сабабли

тезда ишдан чиқверган. Ҳатто, вақтинчаликка қолдирилган булдозер ботқоқда чўкиб кетган экан. Шундан сўнг, оролда қайтиб йўл қуришга ҳаракат қилинмаган.

«ЖОСУС ОРОЛ»

Индонезияликлар орасида Банда денгизидagi Булаван ороли ҳақида турли афсоналар юрди. Оролнинг ҳажми атиги 3x5 км.ни ташкил этса-да, у ҳақдаги миш-мишлар дунёга дoston бўлиб улгурган. Булар афсонами ёки ҳақиқат эканлиги мана неча йилдирки олимларни ўйлантириб келади.

Айтишларича, оролнинг сирасорини очмоқчи бўлган кимсалардан орол албатта қасдини оларкан. Масалан, ана шу оролни европаликлардан биринчи бўлиб кўрган ва уни ўрганган голландиялик учувчи Вилли Ван 1993 йилда ўз уйида ўлик ҳолда топилган. Уни ўлимига олиб келган сабаб ҳалигача аниқланмаган. Бундан ташқари яна бир қанча инсонларнинг Булаван оролидан қайтганидан сўнг турли фалокатлар туфайли вафот этгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Маҳаллий аҳоли оролдаги воқеаларни қандайдир ҳазина билан боғлашади. Гўёки ҳазинани топмоқчи бўлган кимса-

СИРЛИ ОРОЛЛАР

АФСОНАМИ Ё ҲАҚИҚАТ

лар бирин-кетин фалокатга учрайверади. Мутахассислар томонидан оролга юборилган экспедиция гуруҳлари ё тўсатдан девор кулаши ёки яна бир бошқа номаълум сабабларга кўра бирин-кетин ҳалок бўлаверишган. Аини пайтда оролга янги экспедиция уюштиришга ҳозирча ҳеч кимнинг юраги дов бермаётган экан.

«АФСУНГАР» ОРОЛ

Кола ярим оролида жойлашган Лавозер оролида тез-тез сирли воқеалар содир бўлиб туриши туфайли у мўъжизалар энциклопедиясидан ўрин олган. Орол ярим ой шаклида бўлиб, уни юзаси тоза ҳамда сифатли қум билан қопланган. Айтишларича, Лавозерда бир эмас, бир неча турли мўъжизалар рўй бериб тураркан. Масалан, кимдир оролда «қор одам»ни кўрдим деса, яна бошқалар орол доимий арвоқлар яшайдиган макон, дейди. Ҳатто, олимларнинг таъкидлашича, ер юзидаги энг қучли аномал майдон айнан шу оролда жойлашган бўлиши ҳам мумкин.



Мутахассисларнинг ана шундай фикрга боришларига ҳам ўринли сабаблар бор. Айтишларича, оролда бегона қайикнинг мотори тезда ишдан чиқаркан. Оролга фақат йўлбошловчининг қайиғида бориш мумкин. Бундан ташқари орол ҳақиқатан жуда чиройли бўлиб, у ерда очликдан ҳеч кимнинг силласи қуримайди. Негаки, қўзиқоринлару турли хил мева-фрукт, энг ноёб балиқ-

ларни шу ерда учратиш мумкин. Орол инсон учун керакли бўлган маҳсулотларга бойлиги сабабли неча йиллардан буён маҳаллий аҳолини очликдан асраб келмоқда. Энг қизиги, оролдан ҳеч нарсани ташқи дунёга олиб чиқиб бўлмайди.

1975 йилда шифокор В.Струков дўстлари билан мўъжизавий оролга саёхатга боради. У бўлган воқеани шундай баён этган:

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ****ГЎЗАЛЛИККА
ИНТИЛИБ**

Тошкент Фотосуратлар уйида фотосанъат мактаби битирувчиларининг етмишга яқин ижодий фото ишлари кўйилган кўргазма очилди.

Ёш фоторассом Наталья Журавлёва, Динара Ердина, Шавкат Тоиров ва бошқаларнинг фотосурат ишларида шаҳарлар кўринишлари, бегубор болалик, йиллар ва кунларнинг турли фасллари ва дақиқалари, инсон умрининг бошланғич давлари, ижтимоий ҳаётимизнинг турли қирралари, табиат олами ва унинг ҳаракати, турли вазиятдаги инсон портретлари, ҳаётимиз динамикаси берилган. Асли қишлоқда туғилиб ўсган, ҳозир пойтахтимизда ўқиб ҳам ишлаётган Назира Боймуродова фототасвирларида Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Бўстонлиқ туманлари Бурчмулла қишлоғининг гўзал табияти, ғоятимиздаги меъморий ёдгорликлар акс этган. Фотосанъат мактаби битирувчиси Тошкент шаҳридаги 91-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Олимхонов, қалбига яқин бўлган борлик, табиат ва унинг гўзалликлари йил фасллари акс этган "Уйкудаги дархатлар", "Сақраш", "Туманли тонг", "Акс", "Шафак" каби ишлари билан қатнашган. Битирувчиларнинг кўргазмага тавсия этган фотосуратларида лирикага, романтикага, бадийлик ва реал ҳаёт гўзалликлари қалбани интилаётганлигини кўриш мумкин. Кўргазманинг биринчи кунда битирувчиларга фотография санъати мактаб-студиясини тугаллаганлиги ҳақидаги сертификатлар топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**ЯНГИ
СПЕКТАКЛЬ**

Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма театрида Жўра Маҳмуд асари асосидаги "Осмондан танга ёққан кун" номли спектакlining жамоатчилиги кўриги бўлиб ўтди.

Спектакль ёш режиссёр Азимбой Атожонов томонидан саҳналаштирилган. Саҳналаштирувчи расм Б.Бекмуродов, балетмейстер Д.Нурмонова ҳамда жамоа бадий раҳбари Ж.Рўзметов спектакlining мусикий ва бадий беагага ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишди. Асарда очқўзлик, ҳасилик, таъмагарлик, билимсизлик, иккиозламачилик каби иллатлар кулги орқали танқид остига олинган. Спектаклнинг премьераси яқин кунлар ичида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

**Носир ХАЛИЛОВ,
Феруз ЙЎЛДОШЕВ**

**ТАДБИРКОРЛАР
ЯРМАРКАСИ**

Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуасида "Худудий саноат ярмаркаси ва кооператив биржаси" номли тадбир бўлиб ўтди.

Ярмаркада вилоятдаги барча тадбиркорлар, энгил-саноат корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Ёш хонандалар Динара Холикова, Наим Мамажонов, Ақром Қўшимов ҳамда "Манзур" гуруҳининг мусикий чиқишлари тадбирга янада фойз киритди.

**Мухтасархон
КАРИМОВА**

Истиқлол йилларида ёшларга бўлган эътибор, уларнинг билим олишлари ва касб-хунарга бўлган қизиқишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар диққатга сазовордир. Ёш авлодининг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишида таълим-тарбия билан бирга спортнинг аҳамияти ҳам юксак эҳтимоли ишобатга олиниб, унинг ривожига жуда катта эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳолдир.

**ФАХРУ ИФТИХОР
ТУЙҒУСИ**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир мактаб ва коллежлар қошида спорт залларининг қурилиши ва ўйин майдончаларининг ташкил этилиши ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш билан биргаликда соғлом ўсишларига ҳам имкон туғдирмоқда. Бугунги кунда энг олис овул ва қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари мавжуд. Уларда юз минглаб ёшлар ўзлари қизиққан спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқдалар.

Республика миқёсида ўтказилаётган "Умид нихоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинлари ўзига хос кичик олимпиада деб баҳоланмоқда. Бу спорт мусобақаларидан бўлажак жаҳон чемпионлари етишиб чиқмоқда. Уларнинг мунтазам ўтказилиши эса ёш спортчилар учун ҳақиқий байрамга айланмоқда. Улар Буюк Темури, Бобур, Улугбек ва Хоразмийларнинг авлоди эканлиги билан ҳам фахрланишади. Зотан, бу фахр ва ифтихор уларнинг қалбида Ватан меҳрини ўстиради.

Ўзбекистон бугунги кунда жуда кўплаб спорт турлари бўйича дунё мамлакатлари орасида етакчи ўринларни эгаллаб бормоқда. Жаҳон ареналарида Ўзбекистон мадҳияси янграб, юртимиз байроғи юзлаб спортчиларимиз шарафига кўтарилмоқда.

**ОИЛАВИЙ
СПОРТЧИЛАР**

Спорт инсоннинг саломатлиги учун жуда муҳим ҳисобланади. Бунинг тўғри аниқлаб етган ота-оналар фарзандларининг соғлиги ва келажаги учун уларни спортга жалб этиб, ўзлари бош-қош бўлишади. Бу йўлда керак бўлса ўзлари намуна бўладилар. Мана шундай оилалардан бири Рустам ака Юнусов ҳамда Замира опа Юнусовалар бугун икки нафар фарзандлари – Мавзода ва Хушрўйларнинг спортга бўлган қизиқишларини рағбатлантириб, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча имконият ва шарт-шароитларни муҳайё қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Олий тоифали шифокор Рустам Юнусов 31 йилдан буён соғлиқни сақлаш тизимида етук мутахассис сифатида хизмат қилиш билан бирга у-шу спорт тури билан машғул бўлишни ҳам қанда қилмайди. У бир неча бор Ўзбекистон чемпионатларида иштирок этиб, Ўзбекистон У-шу Миллий Федерациясининг 2- ва 3-даражали дипломи билан тақдирланди. Рустам ака у-шуга бўлган қизиқиши туфайли ҳамда спортнинг инсон саломатлигидаги ўрнини аниқлашда ҳам фарзандларини ҳам ўз орқасидан эргаштирди. Тўнғич қизи Мавзодани 5 ёшда у-шу клубига етаклаб борган эди.

КЎЗГУ**БОЛАЛАР СПОРТИ**

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Ислом Каримов



«ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!» ТАНЛОВИГА

ПОК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

СПОРТ БИЛАН ҲАМОХАНГ ТАРЗДА

**ОРЗУЛАРИ ОЛАМ
ҚИЗАЛОҚ**

Мавзода ҳозир 13 ёшда. Аммо унинг спортда эришган ютуқлари бир олам. Қаҳрамонимиз 5 ёшидан у-шу билан шуғуллана бошлаган бўлса, ўтган давр мобайнида у бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари ғолибаси, уч карра Ўзбекистон очик кубоги совриндори бўлган. Мавзода бугунга қадар жами 22 та медал ва бир қанча дипломлар соҳибасига айланиб улгурди. Шундан 17 та олтин, 4 та кумуш ва 1 та бронза медали ёш спортчи қизнинг соғлиқ ва меҳнатлари алоҳида ўрин тутади.

Мен ҳаётимни спортсиз, айниқса, у-шусиз тасаввур қила олмайман, - дейди биз билан суҳбатда Мавзодахон. - Чунки у-шу бошқа спорт турларига ўхшамайди менинг назаримда. Унда гўё рақс тушаётганга ўхшайсиз. Ҳар бир хатти-ҳаракат замирида маълум маъно яширин. Ниятим келажақда жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, юртимиз байроғини кўкларга кўтаришдир.

Кўзларида сергайратлилик қакнаб турадиган Мавзода билан суҳбатлашганимиз сари унинг бизга номаълум истеъдод қирраларини кашф этдик. Мактаб таълими ва спорт клубларидаги машғулотлардан ташқари Мавзода Т.Жалилов номи 6-болалар мусика мактабининг фортепиано бўлимида ҳам таҳсил олар экан. Унинг санъатга, мусикага бўлган қизиқиши мурғак қалбининг софлигидан, покизалигидан, шижоатидан дарак беради. Бу хали ҳаммаси эмас. Мавзодахон келажақда дадасига ўхшаган шифокор бўлиш ниятида. Спортда ном қозониш билан бирга ота касбини эгаллаб, беморлар дардига даво бўлиши, инсонлар саломатлигини тик-

лашга ўз ҳиссасини қўшишни хоҳлайди. Бу эзгу орзуларининг рўёби йўлида Мавзода тинимсиз ҳаракатда эканлигини, фанлардан доимо аъло ўқишга интилаётганини мамнуния билан таъкидлади.

**НАВБАТ ХУШРЎЙГА
ЕТДИ**

Опаси билан қизғин суҳбатга киришиб кетганимиздан "менга ҳам навбат етармикин", дея бетоқатланаётган Хушрўйга юзландик ният. 2001 йилда таваллуд топган Хушрўй Юнусова ҳозирда 103-ихтисослаштирилган махсус мактаб 3-синфининг аълочилиги бўлиб берибди. У ҳам худди опаси каби серкирра истеъдод соҳибаси экан. Опаси билан бирга мусика мактабига - фортепиано таълимига боради. Спортдаги - у-шу жанр санъатидаги ютуқлари ҳам опасиникидан қолишмайди. Рустам ака Хушрўйни 4 ёшлигидан у-шу клубига олиб борган. Шундан буён Хушрўй спортнинг қизиқарли бу тури билан тинимсиз шуғулланиб келмоқда. Шаҳар ва республика миқёсидаги қатор мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, кўплаб диплом ва медаллар соҳибасига айланди. Хушрўйнинг бугунга қадар эришган ютуқлари - 5 та олтин, 3 та кумуш, 5 та бронза, жами 13 та медаллари ёш спортчи қизалоқнинг қўқсини тўлдириб турибди. Қолаверса, бу медаллар шодаси уни янада олдинги интилишга, юксак марраларни забт этишга, ўз устида тинмай меҳнат қилишга ундайди. Хушрўй ҳам дадаси каби шифокор бўлишни орзу қилади.

Спорт ҳар бир инсон учун зарурий машғулотдир, - дейди шифокор Рустам ака. - У танани чиниктиради, соғлиқни мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам қизларимизнинг ёшлугиданок спорт билан шуғулланишлари-га катта эътибор қаратиб келямиз. Оллоҳга шуқри, улар ўзларининг қизиқишлари, интилишлари ва тинимсиз меҳнатлари эвазига қатор ютуқларга эришишди. Қолаверса, устозлари

Дилшод Бозоров, Тохир Эргашов ва Данил Сафинларнинг ҳам хизматлари бекиёсдир.

**«У-ШУ» - СЕЗИШ
ҚОБИЛИЯТИНИ
ОШИРАДИ**

У-шу аслида шарқнинг жанговар санъат тури бўлиб, унинг ватани Хитойдир. Бундан 1500 йил муқаддам ривожлана бошлаган у-шу йўналишларида жами 108 хил қуроллардан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилинади. У-шудаги ҳаракатлиниш усуллари турли ҳайвонларнинг хусусиятларидан олинганлиги билан қизиқарлидир. Бундай усуллар тезкорлик хусусиятлари билан душманга - рақибга чап бериш ва сезиш қобилиятини юксалтиради. Шунингдек, у-шуда ўзини назорат қила олиш ва маҳорат масаласи асосий ўринда туради.

У-шу спорт тури мамлакатимизга 80-йиллардан эътиборан кириб кела бошлаган. 1998 йилда "Ўзбекистон У-шу Федерацияси" ташкил этилган. Бугунга қадар мамлакатимизда ушбу жанговар санъатнинг кўплаб вакиллари етишиб чиқди. Мана шундай вакиллар қаторида Рустам Юнусов ҳамда Мавзода ва Хушрўй Юнусоваларнинг ҳам борлиги ва тинимсиз ҳаракатда эканлиги таҳсинга сазовордир. Уларни эришган ютуқларидан ва ҳаракатларидан бемалол спортчилар оиласи, деб аташимиз мумкин. Келажақда бунга "шифокорлар оиласи" деган ном ҳам қўшилса ажабмас. Зеро, Мавзодахон ва Хушрўйда дадаси каби шифокор бўлиш иштиёқи жуда кучли. Медицина соҳасида фаолият кўрсатиб халқимиз саломатлигига ўз ҳиссасини қўшиш истаги, спорт соҳасида эса юртимиз байроғини жаҳон ареналарида хилпиратиш ҳисси жўш уриб ёнаётган мурғак қалбли қизалоқларнинг пок орзулари ижобатини тилаб қоламиз.

**Мухтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎГИТ

Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагинг, бахтингни шунда топарсан.

Гар кўрсанг кўр киши олдинда чоҳдир,
Индамай ўтирсанг, катта гуноҳдир.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг йирик кинофестиваллар Канн, Берлин ва Венеция каби шаҳарларда ўтказилади.

"Оскар" киномукофоти илк бор 1929 йилнинг 16 майида топширилган.

Швециянинг жами 875 та кинотеатрларида 1200 та кино заллари мавжуд.

ТУРФА ОЛАМ**МИНИ ГЕНЕРАТОР**

**АМЕРИКАЛИК МУТАХАССИСЛАР ЭЛЕКТР ТОКИ ИШЛАБ
ЧИҚАРУВЧИ МИТТИ МОСЛАМА ЯРАТИШДИ.**

Манбада келтирилишича, мослама 1 центли тангадан кичикроқ бўлиб, электр токини кучли тебранишлар эвазига ҳосил қилади. Аслини олганда мослама фабрика машиналаридан таралаётган тебранишларни йиғиш учун мўжалланган. Негаки, бундай машиналар симсиз ишлайди. Шу боис, митти генератордан бемалол электр токи ёхуд аккумулятор ўрнида фойдаланиш мумкин. Мослама 1,5g амплитудадаги тебранишни салкам 200 мкВт электр манбаига айлантириб берармиш. Қолаверса, мослама ниятда чидамли бўлиб, у 10-15 йилда ҳам техник таъмирга эҳтиёж сезмас экан.

**КЎРИНМАС КЎРГАЗМА**

**ПРАГА (ЧЕХИЯ) ШАҲРИДА АНТИҚА
КЎРГАЗМА БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ушбу кўргазма тун қоронғусида ўтказилган. Бундан кўзланган асосий мақсад эса одамларнинг сабрини синаш эмас, балки эшитиш, ҳидлаш ва ҳавф-хатарни ҳис этиш каби ҳислатлардан улар қай даражада фойланишларини аниқлашдан иборатдир. Шундай бўлсада, кўргазма қатнашчиларига кўзи ожиз йўлбошчилар бириктириб қўйилган. Аввалига, улар ўрмонзорда, сўнг сершовқин шаҳар кўчаларию боғларни сайр қилиб, кўргазмага қўйилган ҳайкал ва ёдгорликларни ой шуъласида томоша қилишган. Кейин эса ҳамма қоронғу кафеда кўргазма ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлаша кетган. Айтишларича, яқин кунларда кўргазма дастурга ўқалаш машқлари ва икки кишилик кечки овқат каби янги хизмат турлари киритилиши мумкин.

**ҚУШДАН ҚУШНИНГ ФАРҚИ БОР**

**ОРИНТОЛОГЛАРНИНГ АНИҚЛАШИЧА ШАҲАР ИЧИДА
ЯШОВЧИ ҚУШЛАРНИНГ МИЯСИ ДАЛА
ҚУШЛАРИНИКИГА НИСБАТАН АНЧА КАТТА ЭКАН.**

Швеция ва Испаниядаги лабораторияларда олимллар 22 та оилага кирувчи 82 турдаги қушларни диққат билан ўрганиб чиқишган. Қушдан қушнинг фарқи борлигини исботламоқчи бўлган оринтологлар нима учун айрим қушлар шаҳар шароитида яшашга қўниқиб қолганини аниқламоқчи бўлишган. Натижада шаҳар марказида яшовчи қушларнинг миеси ўз танасига нисбатан катта бўлиб чиққан. Олимлarning таъкидлашича, шаҳар ва қишлоқ шароитида яшовчи қушлар кўринишдан фарқ қилмайди. Улар ўртасидаги тафовут ўзини тутишида экан. Шаҳарлик қушларга катта мия энг аввало шовқин-суронли шароитда жон сақлаш учун керак эмиш.

**АНТИҚА РАҒБАТ**

**ҚУСТАНОЙ (ҚОЗОҒИСТОН) ДАГИ ДАМ ОЛИШ
МАЖМУАЛАРИДАН БИРИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН АНТИҚА
АКЦИЯНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.**

Шарти шуки, ўқувчи дарсларга мунтазам равишда қатнашиб бориши ва ҳафта давомида кундалик дафтарларида бешта "5" баҳо бўлиши лозим. Шундагина дам олиш маскани уларга бепул хизмат кўрсатишни ваъда қилган. Ҳозирда мактаб маъмуриятига ўттиздан ортиқ ўқувчи кундалик дафтарларида "5" баҳони тасдиқлаштиш учун олиб келаётган экан. Энг қизиғи, уларнинг орасида нафақат бошланғич, балки 7-8 синф ўқувчилари ҳам борлиги мактаб маъмуриятини бироз таажжубга солган. Шунга қарамай, мазкур акцияга шаҳар таълими бўлимидаги мутасаддилар қаршилиқ билдиришаётганича йўқ. Уларнинг фикрича, бундай рағбат болаларни ўқишга бўлган қизиқишини янада оширади.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади



Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 523, Адади — 7232
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмаил ХУДОЁЕВ
Навбатчи: Дилфуза РЎЗИЕВА
Электрон почта: e-mail: milliytiklanish@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.40.



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ Ахтам ТУРСУНОВ, Ахор АХМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаил ХУДОЁЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САҒОЕВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй